



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 30 - Mart

613 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Раимов Нураддин
Атабаевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Раимов Нураддин Атабаевичнинг “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 2 февралдаги ШЯ-Р-383-сонли аризасини, “Нурафшон” шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 2 февралдаги 270-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган 11 (ўн бир)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 102,24 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 182,22 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 284,46 квадрат метр, қурилиш ости майдони 368,69 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Раимов Нураддин Атабаевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Раимов Нураддин Атабаевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Раимов Нураддин Атабаевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев